O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI TERMIZ TUMANI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТ
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА
ТЕРМЕЗСКОГО РАЙОНА

**2020 у « 30 » Апрель** **№ К-458** «____»_____20___ г

**Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2014 йил 15 ибдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари” Қоидаларнинг 118-банди ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тооза ичимлик суви бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1.Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар (истеъмолчиларига)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. “Сувоқова” ДУК Термиз туман филиали (Қ.Набиев) марказлаштирилган сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот этиб бергилансин.

3. “Сувоқова” ДУК Термиз туман филиали (Қ.Набиев) томонидан аҳолига (истеъмолчилар)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларини тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Сувоқова” ДУК Термиз туман филиали (Қ.Набиев)га:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари оркали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

ичтеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот матбуот котиби (Ғ.Бўриев) ва “Жануб Қуёши” рўзномаси (Д.Нормуродов)га мазкур норматив ҳукукий хужжатлар

Сканировано с CamScanner

“Жануб Қуёши” рўзномасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини, электрон шаклида бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Менглиев зиммасига юклансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирсин.

**Туман ҳокими** **Ш.Уринов**

Tеrmiz [illegible]
ASLIGA TO'G'RI
Imzo

Сканировано с CamScanner